

КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ БОШҚА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДАН ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Воҳиджон Адхамович ХОМИДОВ

доцент

Юридик фанлар бўйича (PhD) фалсафа доктори

Тошкент транспорт университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: alialiey779@gmail.com

ORCID: 0000-0002-3083-0772

Аннотация

Мақолада кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал тартиби, турлари таснифланиши, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчилар томонидан кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш, шунингдек кўздан кечириш тергов ҳаракатини бошқа тергов ҳаракатларидан фарқли жиҳатлари ёритилган.

Таянч сўзлар: кўздан кечириш, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, мурдани кўздан кечириш, теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш, нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни кўздан кечириш.

ОСОБЕННОСТИ ПРОВЕДЕНИЯ СЛЕДСТВЕННОГО ДЕЙСТВИЯ ПО ОСМОТРУ И ЕГО ОТЛИЧИЯ ОТ ДРУГИХ СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ

Воҳиджон Адхамович ХОМИДОВ

Доцент

доктор философии (PhD) по юридическим наукам

Ташкентский транспортный университет

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье освещены процессуальный порядок проведения следственного действия по осмотру, классификация его видов, осуществление осмотра должностным лицом органа дознания, дознавателем, следователями, а также отличительные особенности осмотра от других следственных действий.

Ключевые слова: осмотр, доследственная проверка, дознание, предварительное следствие, осмотр места происшествия, осмотр трупа, осмотр местности и помещений, осмотр предметов, документов и электронных данных.

Жиноятни тергов қилиш тергов ҳаракатларини ўтказмасдан амалга оширилмайди. Тергов ҳаракатлари – бу процессуал ҳаракатлар бўлиб, улар ёрдамида далиллар топилади, текширилади ва мустаҳкамланади.

Далиллар жиноят ишлари юзасидан қонуний қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Жиноят ишларини юритишда далилларни тўплаш усули сифатида тергов ҳаракатлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов жараёнида тергов ҳаракатлари алоҳида ўрнига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида тергов ҳаракати тушунчасига таъриф берилмаган бўлсада, тергов ҳаракати процессуал ҳаракатнинг бир тури эканлиги ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин. Бироқ ЖПКда тергов ҳаракатларининг тизими мустаҳкамлаб қўйилган. Кўздан кечириш тергов ҳаракати терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан ўтказилиши ва жиноят-процессуал тартиб-қоидаларга асосланиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида далилларни тўплаш усули сифатида тергов ҳаракатлари кўрсатилган. Ҳар бир тергов ҳаракати далилларни тўплашда ўз хусусиятларига эга. Жиноят ҳақида ариза, хабар ва маълумотлар келиб тушган вақтдан бошлаб кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва унинг айбини исботлашда катта аҳамиятга эга.

Кўздан кечириш – мустақил тергов ҳаракати бўлиб, жиноят иши кўзғатилишидан олдин ёки кейин терговга қадар текширув ва дастлабки тергов жараёнида терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи томонидан жиноят аломатлари мавжуд бўлган қилмиш содир этилган жойни кўдан кечириш орқали иш учун аҳамиятга эга бўлган жиноятга оид изларни қидириш, топиш, қайд этиш ва олиш мақсадида ўтказиладиган ҳаракат ҳисобланади.

Жиноят ишини кўзғатиш босқичида ҳам, суриштирув ва тергов босқичида ҳодиса содир бўлган жойни, ҳужжатларни, буюмларни, мурдаларни кўздан кечириш жиноят иши кўзғатилгунга қадар ўтказилиши

мумкин. Кўздан кечириш натижасида ҳодиса ҳақида дастлабки маълумотларни олиш, жиноий фаолиятни акс эттирувчи моддий объектларни топиш, қайд этиш ва олиб қўйиш, кейинчалик уларни ашёвий далил сифатида эътироф этиш ва жиноят иши материалларига қўшиб қўйиш зарур бўлган ҳолларда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда кўздан кечиришнинг қуйидаги турлари процессуал жиҳатдан турларга бўлинган.

- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш (ЖПК 137-м);
- мурдани кўздан кечириш (ЖПК 138-м);
- теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш (ЖПК 139-м);
- нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни кўздан кечириш (ЖПК 140-м) [1].

Ушбу кўздан кечириш турлари жиноятга оид изларни аниқлашда асос бўладиган ҳолатларда ашёвий далил сифатида тан олиниши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатларни топиш учун ўтказилади.

С.А. Шейфер кўздан кечиришни жиноят изларини ёки иш учун аҳамиятга эга бўлган жисмоний аломатлар билан ифодаланган бошқа маълумотларни топиш мақсадида ҳодиса содир бўлган жойни, уй-жойни, бошқа бинони, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиришнинг қонунда назарда тутилган тартибига мувофиқ терговчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракат деб ҳисоблайди [6].

Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда ашёвий далиллар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи холислар иштирокида, зарур бўлганда эса, шунингдек эксперт ёхуд мутахассислар иштирокида олинган далилларни кўздан кечириш жараёни ва натижаси ҳақида баённома тузилади

Кўздан кечириш тергов ҳаракати кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва эксперимент каби тергов ҳаракатлари ўтказилишидаги процессуал тартиби бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Кўздан кечиришни кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш билан ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятларини таҳлил қиладиган бўлсак, кўздан кечириш тергов ҳаракатига берилган таърифларни кўриб чиқиш лозим бўлади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг бошқа тергов ҳаракатларидан фарқли жиҳатлари ҳақида юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан бир қанча фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Жумладан: Р.Белкиннинг таъкидлашича, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш айбланувчи ёки гувоҳнинг жиноят ҳодисаси билан боғлиқ бўлган маълум бир жойни кўрсатиши, ушбу жойда содир этилган ҳаракатлар тўғрисида кўрсатув бериши, ушбу шахслар томонидан билдирилган маълумотларни ҳодиса содир бўлган жойдаги объектив муҳит билан таққослаш ва баъзан намоиш қилишдан иборат бўлган тергов ҳаракати ҳисобланади[3]. Мазкур фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда унга қўшимча сифатида кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишнинг асосий мазмуни ўрганилаётган ҳодисанинг асл ҳолатлари қандай бўлганлигини аниқлашдан иборат эканлигини билдирамыз.

ЖПКда кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларнинг кўрсатувларини текширилаётган ҳодиса содир бўлган жойда ҳолатларни қайта тиклаш йўли билан текшириб кўриш орқали амалга оширилади.

Фикримизча, мазкур икки тергов ҳаракати айнан шу жиҳатидан, яъни иккала тергов ҳаракатининг ҳам ҳодиса содир бўлган жойда амалга оширилиши билан ўзаро ўхшаш ҳисобланади. Шу билан бирга, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишдан фарқли равишда кўздан кечириш ҳар доим ҳам ҳодиса содир бўлган жойда амалга оширилавермайди. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

– кўрсатувлари текширилаётган шахсга маълум, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни топиш;

– ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги шароит билан қиёслаш орқали кўрсатувларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашдан иборат. Кўздан кечириш эса, юқоридаги каби кенг мақсадлар доирасини қамраб олмасдан, иш учун муҳим бўлган маълумотларни олиш, нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни топишга қаратилган бўлади. Е.Егорова мазкур масалада ўз қарашларини баён қилиб, хусусан, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни топиш мақсадининг қонунчиликда белгиланиши мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, мазкур мақсад ҳам кўздан кечириш учун, ҳам кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш учун хос бўлгани сабабли, унинг қонунчиликда тартибга солиниши мазкур икки тергов ҳаракатини тайинлашда улар ўртасидаги чегаранинг йўқолиб кетишига олиб келади [6].

Юқоридаги фикр тўғри бўлса-да, фикримизча, деярли барча тергов ҳаракатлари ушбу мақсадни, яъни далилларни топишни кўзлаганлигини ҳам инобатга олиш лозим.

– ҳодиса содир бўлган жойни ёки терговчи илгари билмаган бир нечта ҳодиса содир бўлган жойларни аниқлаш ва содир бўлган ҳодиса тўғрисида гувоҳлик берган шахс ёки шахслар томонидан терговчига ушбу жойларни мустақил равишда топиши мумкин бўлган маълумотларини етказишда қийинчиликлар юзага келганда ҳақиқатни аниқлаш;

Шу билан бирга, мазкур рўйхат кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишнинг ўз вазифалари жиҳатидан кўздан кечиришдан қанчалик даражада фарқ қилишини ҳам кўрсатиб беради. Сабаби, юқорида кўрсатиб ўтилганларнинг аксарияти кўздан кечириш тергов ҳаракатига тааллуқли ҳисобланмайди. Е.Егорова томонидан ушбу масалада ҳақли таъкидлаб ўтилганидек, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда

текшириш кўздан кечириш тергов ҳаракатидан ўзининг текшириш объектлари жиҳатидан ҳам тубдан фарқ қилади. Хусусан, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш фақатгина ҳодиса содир бўлган жойга нисбатан амалга оширилиши мумкин. Кўздан кечириш эса, ҳодиса содир бўлган жойдан ташқари мурда, ҳайвонлар, теварак-атроф, бинолар, нарсалар ва ҳужжатларга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин [2].

Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, ҳақиқатдан ҳам кўздан кечириш тергов ҳаракати объектлари фақатгина ҳодиса содир бўлган жой билан чекланиб қолмайди. Ушбу тергов ҳаракатининг юқорида санаб ўтилган кўринишлари эса, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати билан ўз хусусиятлари жиҳатидан ўхшаш ҳисобланмайди. Бизнингча, кўриб чиқиладиган иккала тергов ҳаракати юқоридагилардан ташқари яна бир қанча фарқли хусусиятларга ҳам эга ҳисобланади. Жумладан, қонун чиқарувчи кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини жинойт иши қўзғатилишидан олдин, яъни терговга қадар текширув босқичида амалга оширишга ваколат бермайди. Бироқ, кўздан кечириш тергов ҳаракати мазкур босқичда ҳам амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, ушбу иккала тергов ҳаракати иштирокчилари жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Зеро, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини ўтказишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ ёки жабрланувчиларнинг иштирок этиши зарур ҳисобланади. Зеро, амалдаги қонунчиликка кўра, кўрсатуви текшириладиган шахс ҳодиса содир бўлган жойда бир вақтнинг ўзида кўрсатиш, кўздан кечириш ёки баъзи нарсаларни, ҳужжатларни, изларни олиш ёхуд муайян ҳаракатларни намоиш қилиш орқали тушунтириш беради ёки ўзининг аввал берган кўрсатувларига аниқлик киритади. Бироқ, кўздан кечириш тергов ҳаракати ушбу шахсларнинг иштирокида ҳам, улар иштирок этмаган ҳолларда ҳам амалга оширилиши мумкин ва бунда аниқ зарурият белгилаб қўйилмаган.

Кўздан кечириш тергов экспериментидан, аввало, шу билан фарк қиладики, кўздан кечириш жараёнида терговчи ҳодисанинг ўзини эмас, балки унинг излари, акс эттирилиши, экспериментда эса ҳодиса (экспериментал) ҳам, из ҳосил бўлиш механизми ҳам, унинг натижаси ҳам идрок этилади. Кўздан кечириш жараёнида терговчи фақат моддий излар, объектлар билан иш кўради, экспериментда эса моддий из қолдирмайдиган ҳолатлар, ҳодисалар аниқланиши мумкин. Идрокнинг бевоситалиги шартларидан бири бўлган кўздан кечиришда объект терговчи қандай ҳолатда топган бўлса, шундайлигича текширилади. Экспериментда ҳодиса ҳеч қачон ҳақиқий ҳодиса билан айнан бир хил бўлмайди: ҳақиқий воқеа, ҳодиса эмас, балки тажриба йўли билан вужудга келтирилган янги, бошқача воқеа, ҳодиса, белги идрок қилинади.

Ҳар бир тергов ҳаракатини ўтказишда терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурор ЖПКда белгиланган тартибга риоя қилиши ва ушбу тергов ҳаракати учун белгиланган қоидаларни четлаб ўтмаслиги лозим.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, кўздан кечириш тергов ҳаракати далилларни тўплашда муҳим аҳамият касб этади, шунинг учун процессуал тартиб-қоидаларга риоя қилиш далиллар мақбуллигини таъминлаш ва жиноят содир этган шахснинг айблилиқ масаласи юзасидан қонуний қарор қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // URL: <https://lex.uz/acts/111460>.
2. Белкин Р.С. Проверка и уточнение показаний на месте: Лекция. – Москва, 1961.
3. Егорова Е.В. О сущности осмотра и его месте в системе других следственных действий // Вестник Московского университета МВД России. 2014. – №12.

4. Миразов Д.М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.

5. Меркулова М.В. Тактика проверки показаний на месте события / Под. ред. В.П. Лаврова. – Москва, 2009.

6. Шейфер С.А. Следственные действия. Основания, процессуальный порядок и доказательственное значение. – Самара: Самарский университет, 2009. С

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона ва солиқ қўмиталарининг қўшма қарори. – Тошкент, 2018.